



ПРЕЗИДЕНТ БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИХАЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни таълим, маданият ва тиббиёт соҳаларидаги бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 июндаги қарорига мувофиқ “Янги Ўзбекистон” университетига асос солинган эди. Қарорда университет учун замонавий ўқув кампуси бунёд этилиши белгиланган.

Шу мақсадда туркиялик муҳандислар билан биргаликда лойиҳа ишлаб чиқилган.

Тадбирда ушбу лойиҳанинг асосий жиҳатлари, бўлажак бинода яратиладиган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Тақдимотда янги кутубхона лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Бу маънавият уйи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида барпо этилади. Унинг ташқи кўриниши юртимиздаги қадимий обидаларга уйғун тарзда лойиҳалаштирилган. Улкан китоб фондини сақлаш, мутлола, маданий ҳордиқ чиқариш, турли тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олинган.

Давлатимиз раҳбари шу йил 14 май куни Республика онкология ва радиология тиббиёт марказига бориб, шароитларни кўздан кечирган эди. Ушбу марказ учун янги бино қуриш вазифаси қўйилиб, Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудидан ер ажратилди.

Хорижий тиббиёт муассасаларининг илғор тажрибаси, шифокор ва беморлар учун барча шароитлар ҳисобга олиниб, лойиҳа ишлаб чиқилди.

Янги бино 10 қават бўлиб, биринчи қаватда маслаҳат поликлиникаси ва қабул бўлими жойлашади. Юқори қаватларда 650 стационар ва 100 амбулатор ўринга эга даволаш бўлимлари бўлади. Шунингдек, бу ерда Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедралари, магистратура, ординатура учун ҳам шароитлар яратилади.

Бинонинг 3 қаватли ерости қисмида радиология ва нур терапия бўлимлари, замонавий компьютер томографияси, магнит резонанс томографияси, ракамли рентген ускуналари ва бошқа замонавий диагностика бўлимлари жойлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари қурилишларни халқаро стандартлар асосида, сифатли амалга ошириш, биологик хизмат кўрсатадиган техник ходимларни ҳозирдан тайёрлаб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги юқори суръати мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва юк ташишлар ҳажми ортиб бормоқда, авиақатновлар тўлиқ тикланди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви янада кўпайтириш муҳим экани таъкидланди.

Афғонистондаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, халқаро ва минтақа кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нарзулло Обломуродов ўзининг сайловолди дастури доирасида амалга оширадиган ташаббуслари акс этган мақола чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-бетга қаранг

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНАДИ

Тошкентда “Россия ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг янги тарихий босқичидаги тараққиёт ва хавфсизлик таҳдидлари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Давоми 5-бетда



ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВА ОПЕК ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ ИШТИРОКИДА “ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ” ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфраструктураси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш орқали аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

“Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) молиялаштириш учун Исломи тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ИТБ) томонидан 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олувчи 20 йил муддатга 200 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз ажратилиши тўғрисидаги қарор 2020 йил 19 декабрда Исломи тараққиёт банки Директорлар Кенгаши томонидан ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — ОПЕК) томонидан 5 йиллик имтиёзли даврни

ўз ичига олувчи 20 йил муддатга 75 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз ажратилиши тўғрисидаги қарор 2020 йил 16 декабрда ОПЕК Директорлар Кенгаши томонидан маъқулланганлиги;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (кейинги ўринларда — БМТТД)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Лойиҳани амалга ошириш даврида масъул ижро этувчи органнинг ҳамқори сифатида фаолият кўрсатиши ва у томонидан Лойиҳа учун 3,05 миллион АҚШ доллари миқдорига грант маблағи ажратилиши;

Лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг улushi 59,95 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлардан иборат эканлиги;

Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларининг 20 та туманидаги

170 та МФЙ (40 та марказий, 130 та ёндош маҳалла)ларда амалга оширилиши;

Лойиҳани амалга ошириш даври 5 йилни (2021-2025 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, ИТБ ва ОПЕК кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган ҳисобланади.

Лойиҳа доирасида сублойиҳаларни лойиҳаловчи ва пудрат ишларини амалга оширувчи ташкилотларни танлаб олиш “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида очиқ ва шаффоф усулда амалга оширилади;

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

САМАРАЛИ ИЖРО НАЗОРАТИ, ШАХСИЙ ИШ РЕЖА, МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ — ҲАР БИР РАҲБАР ВА ХОДИМ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ГАРОВИДИР

Шахсий масъулият, темир интизом, касбий гурур ва профессионал маҳорат — ижро интизомининг мустаҳкам пойдеворидир. Бугунги кунда барча давлат идоралари ва ташкилотлари ижро этувчи органларнинг трансформацияси жараёнларининг бевосита иштирокчилари ҳисобланади.

Тарихий ўзгаришлар ва тўта息лохотлар замирида “Одамлар эртага эмас, бугун яхши яшаши керак”, деган улуғвор ва халқчил ғоя мужассам.

Ушбу мақсадда ижро этувчи органларнинг барча инсон ва молиявий ресурслари息лох қилиниб, давлат бошқаруви тизимига “маҳаллабай”, “аҳолибай” ва “хонадонбай” ишлаш сингари янги тамойиллар киритилди. Бундан асосий мақсад аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини тезкор ва амалий ҳал қилиш, фуқароларнинг давлат органлари вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятини яратилдан иборат.

Ижро интизومي — самарадорлик омили

Ислохотлар самарадорлигига ва кўзланган мақсадларга эришишда бевосита ҳар бир ҳудуд, корхона ва ташкилотда мустаҳкам ижро интизомининг йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этади.

давлат ҳокимиятининг жамият олдидаги энг асосий вазифаси сифатида аҳоли ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш бўйича息лохотларнинг натижадорлиги бевосита уларни амалга оширишга қаратилган ҳужжатлар, қарорларни ижро этиш бўйича интизомнинг қатъийлигига боғлиқ. Айнан давлат идоралари ва ташкилотларидаги ижро интизومي ҳолатидан келиб чиқиб, ҳар бир тармоқнинг ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин.

Мамлакатимиз Президентининг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида қайд этилганидек: “Таклиф ва ташаббуслар илгаригидек фақат “тепа”дан эмас, балки кўпроқ қуйдан бўлмоқда. Уларни амалга оширишда эса куйи, ўрта ва юқори бўғиндаги давлат бошқаруви идораларининг самарали ҳамкорлиги иш бермоқда. Шу асосда жамиятимизнинг ижтимоий манзараси бутунлай ўзгармоқда, самарали бошқаруvingнинг натижадорлиги ошмоқда, энг муҳими, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўзининг тақдири ва эртанги кунга ишончи ортмоқда”.

Давоми 3-бетда

ҚАЛБИДА ОНА ТАБИАТГА МЕҲРИ БОР ҲАР БИР ИНСОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯ ТАРАФДОРИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДИНИ ТАНЛАШ УЧУН ЕТТИТА САБАБ

БИРИНЧИ. Бугун экологик муаммолар ҳар бир мамлакатда, қолаверса, дунё ҳамжамиятида энг ўткир ва долзарб муаммолар қаторига аллақачон кириб бўлди. Шу вақтгача атроф-муҳит муҳофазаси, экологик вазиятнинг оғирлиги маълум бир ҳудудлар ёки минтақалар билан боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирга келиб бу масала умуман чегара билмайди, бу муаммоларнинг аянчли оқибатлари ҳеч бир минтақа, ҳеч бир ҳудуд, қолаверса, бирор-бир мамлакатни четлаб ўтмайди.

Экологик сиёсатни амалга ошириш ва сиёсий ташаббусларни татиқ этишда, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, атроф-муҳит ва фуқаролар соғлиғини сақлаш, экологик муаммоларни ҳал этишда, тизимли ўзгаришларга йўналтирилган амалий чораларни кўришда жамиятнинг барча кучларини сафарбар этиш муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш ва экологик муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш ҳар доим муҳим ва долзарб масала бўлиб келган.

Глобал миқёсдаги экологик масалалар сўнгги бир неча ўн йил ичида жуда юқори даражага чиқди. Халқаро майдонда ҳам экологик муаммолар кун тартибига кириб борди. Иқлим ўзгариши бўйича Париж битими, Киото протоколи каби бир неча долзарб халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Иқлим ўзгаришига биргина мисол: бугун ҳар бир мамлакатда сезилаётган ҳаво ҳароратининг кескин ошиб боришини олайлик. Мана шунинг ўзи дунё ҳамжамияти учун жуда катта муаммоларни юзага келтиряпти. Глобал ҳароратнинг ошишига саноат, транспорт, умуман, индустриядан атмосферага чиқарилаётган ҳар хил чиқинди газлар, ташланмалар глобал иқлимда жуда катта ўзгаришлар ҳосил бўлишига олиб келмоқда.

Худди шу ўзгаришлар таъсирини биз ўзимизда ҳам кўряпмиз. Орол фожияси маҳаллий омиллар ортидан келган муаммо эмас. Масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, бизда иқлим ўзгариши оқибатида тоғларимизга тушадиган йиллик ёмғир ва қор миқдори кескин камайиши оқибатида табиий ҳавзаларимиздаги сув миқдори йилдан-йилга камайиши кузатиляпти. Яъни, глобал миқёсда бўлаётган табиий иқлим ўзгаришлари бизга ҳам катта таъсир қилмоқда. Биз эса халқаро ҳамжамият билан биргаликда бу жараёнларга муносиб тайёргарлик кўришимиз — мослашишимиз керак. Иқлим, об-ҳаво, сувни тежаш, халқ ҳўжалигини шу жараёнларга мослаштириш нўқтаи назаридан зарур чоралар кўришимиз жуда муҳим аҳамиятга эга.

ИККИНЧИ. Биз ўзимиздаги барча инфратузилмани яшилликка ўтказишимиз зарур. “Яшил” иқтисодиёт, “яшил” технологиялар, “яшил” экология дейилишининг моҳияти ҳам шу-да. “Яшил” иқтисодиёт деганда, табиий ресурслардан оқилона, тежамкорона фойдаланиш тушунилади. Табиатга зарари кам бўлган технологияларни кўпроқ қўллаш керак бўлади. Шунда биз табиат билан саноат ўртасидаги мувозанатни сақлаб қола оламиз.



NARZULLO OBLOMURODOVGA OVOZ BERING!

Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон
Республикаси Президентлигига номзод

Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари:

- ✔ “яшил” иқтисодиёт тамойиллари асосида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган сиёсатни юритиш;
- ✔ “яшил” иқтисодиёт улушини 30 фоизга етказиш, йиллик иқтисодий ўсиш суръатини 7 фоиздан ошириш;
- ✔ тежамкор суғориш технологиялари орқали ҳосилдорлиқни ўртача 25-30 фоизгача ошириш;
- ✔ Ўрмон кодекси, Сув кодекси ва Экологик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- ✔ қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари улушини умумий энергия балансида 40 фоизга етказиш;
- ✔ энергетика соҳасида ялпи ички маҳсулотга нисбатан углерод сарфи ҳажмининг камайишига ва 2050 йилгача тўлиқ воз кечишга эришиш, соҳада инновацион ечимларни татбиқ этишни рағбатлантириш;
- ✔ “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда ва “Тупроқни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- ✔ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари атрофида санитария-ҳимоя зоналарини ташкил қилиш асосида ҳавога чиқаётган заҳарли газлар ҳамда чанг миқдорини 1,5 баробарга камайтириш;
- ✔ қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғоришда тежамкор технологиялар улушини 30 фоизга етказиш;
- ✔ қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва иқтисодиёт тармоқларида сувнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган Миллий дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ✔ сувни чўчуқлаштирувчи локал қурилмалар орқали олис қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш;
- ✔ инсон саломатлиги ва хавфсизлиги учун муҳим бўлган марказлашган ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилаш бўйича дастурий вазифаларни амалга ошириш орқали аҳолининг ичимлик сув таъминотини 90 фоизга етказиш;
- ✔ аҳолининг сувни асраш, сув ресурсларидан самарали ва тежамкор фойдаланишни ташкил этиш бўйича ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;
- ✔ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга, саноат чиқиндиларини қайта ишлашни эса 20 фоизга етказиш;
- ✔ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг 12 фоизга етказиш;
- ✔ оила ва маҳалла тизимида инсоннинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш;
- ✔ Орол муаммосини ҳал этишга ҳамда Оролбўйи аҳолиси генофонди ва атроф-муҳитига салбий таъсирни юмшатишга жамиятнинг барча кучларини жалб этиш;
- ✔ мактабгача таълим қамровини 100 фоизга, олий таълим билан қамров даражасини 40 фоизга етказиш;
- ✔ глобал ва трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал қилишда Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш.

кўпроқ инobatга олишимиз керак. Давлат дастури, давлат ёки маҳаллий бюджет параметрларини, тармоқ ва соҳаларга оид дастурларни қабул қилишда жамоатчилик фикрини инobatга оладиган бўлсак, кўп муаммолар ўз ечимини топади.

Бугун жамоатчилик томонидан кўтарилаётган ҳар бир экологик муаммо ва унинг ечими юзасидан экопартия ўзининг тезкор муносабатини билдирмоқда. Халқимиз қўяётган ҳақли масалалар ечимини тегишли давлат органларидан талаб қилиб чиқмоқда.

ОЛТИНЧИ. Экологик муаммоларни бартараф этишда мавжуд қонунчилик бизга етарлича ҳуқуқий йўл очиб бериши керак. Афсуски, ҳозирги қонунчилигимизда баъзи бир бўшлиқлар ҳам кўзга ташланиб қоляпти. Шундай пайтларда жамоатчилик назоратини янада кучайтиришимиз керак. Маълум бир объект атрофида бўлаётган муҳокамалардан қонуний-ҳуқуқий муҳокамаларга ўтиш керак.

Ҳар бир объект иш бошлашдан олдин давлат экологик экспертизасидан ўтади. Жараёндаги очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳозирги кунда жуда катта масала. Жамоатчилик эшитувлари ва муҳокамалар бирор объект фаолияти ҳақида қатъий тўхтамга келгандан кейин эмас, ўша жараённинг ўзида бўлиши керак. Яъни, муайян лойиҳа амалга ошгандан кейин эмас, лойиҳани бошлашдан олдин жамоатчилик фикрини ўрганиш зарур бўлади. Биз жамоатчиликни ҳам шунга ўргатишимиз керак. Фуқароларимизда ўз фикр-муносабатини қонуний тарзда ўз вақтида билдириш қўниқмасини яратишимиз зарур.

ЕТТИНЧИ. Экологик партия муайян қатламдаги электорат, тор доирадаги сиёсий мақсадлар билангина чекланиб қоладиган партия эмас. Чунки экологик масалалар ҳамманинг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатадиган глобал масала ҳисобланади. Дастуриимиздаги бош мақсад — халқимиз келажаги учун манфаатли бўлган қўлай атроф-муҳитни яратиш. Бу — осмонимиз мусаффолиги, сувимиз тозаллиги, тупроғимиз унумдорлиги, нафас олаётган ҳавомизнинг тозаллиги билан боғлиқ масалалар. Ҳаёт кечириш учун сув ва ҳавонинг нақадар зарурлигини эса ортиқча исботлашга ҳожат йўқ. Шунинг учун ҳам электоратимиз кенг қамровли ва барча аҳоли қатламини қамраб олади.

Ўзбекистон Экологик партиясини аъзолари эса ҳозир 400 мингдан ошди. Ҳолбуки, партия ташкил қилинганга энди икки ярим йил бўлди. Экопартиянинг аъзолари, хайрихоҳлари қўлайишига асосий сабаб халқимиз илгаридан экология, табиат, атроф-муҳит масалаларига бефарқ бўлмаганлигидир. Шунинг учун ҳам ўз ихтиёри билан, онгли равишда биз тарғиб қилаётган ислохотларнинг моҳиятига тушуниб, партиямиз сафига қўшилаётган турли соҳа вакиллари жуда кўп. Бир сўз билан айтганда, юрагида, кўнглида атроф-муҳитга, она табиатга меҳри бор одамлар экопартияни танламоқда, бизга хайрихоҳ бўлмоқда.

ТўРТИНЧИ. Орол муаммосини ҳал этишга ҳамда бу муаммонинг Оролбўйи аҳолиси генофонди ва атроф-муҳитига салбий таъсирини юмшатишга жамиятнинг барча кучларини жалб этишимиз зарур. Оролбўйи минтақасига экологик инновация ва технологияларни татбиқ этиш ишларини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан.

Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш ишларининг ҳажми ва кўлами кундан-кунга ошиб бормоқда. Аммо қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш орқали Оролбўйи ҳудудига Амударёнинг юқори ва ўрта қисмидан йилига камида 5-6 кубокилометр ҳажмда сув юборилишини таъминлаш зарур. Нукус, Бухоро, Урганч, Хива, Навоий, Мўйноқ каби аҳоли яшаш пунктлари атрофида “яшил белбоғлар” барпо этиш ҳамда мазкур ҳудудлардаги истироҳат боғлари майдонларини кенгайтириш орқали тоза ҳавони, мўътадил иқлимни яратиш мумкин.

Оролбўйи ҳудудининг Қозоғистон ҳамда Туркменистон билан туташ ҳудудларида трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш масаласи бугун тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши бўйича Париж битими доирасида мамлакатда иссиқхона газлари таъсирини қисқартиришни назарда тутувчи миллий стратегия ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш масаласи ҳам кун тартибидеги долзарб вазифалардан биридир.

БЕШИНЧИ. Мамлакатимизда экологик муаммоларнинг ечимини, бу борада давлат, жамият ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорликда тизимли фаолият олиб бориш бўйича кўп ишлар қилиниши зарур. Охириги йилларда аҳолимиз жуда фаоллашиб, ижтимоий тармоқларда барча муаммоларни худди кўзгудек кўтариб борапти. Бундай муаммоларга ечим топиш, муносабат билдириш ҳаммамиз учун дахлдор масалага айланиши шарт. Авваламбор, биз керакли дастурларни қабул қилишда жамоатчиликнинг фикрини

